

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 117 (1716), 2026 йил 11 июнь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИНИ АЛОҲИДА ИХТИСОСЛАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ривожлантириш, олис ва чекка туманларда аҳоли турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил декабрь ойидаги Самарқанд вилоятига ташрифидан сўнг ҳудудни 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланиб, бунга қўшимча 100 миллион доллар маблағ ажратилган эди. Шу йил март ойида Нарпай туманига ташриф давомида эса вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларини алоҳида ёндашув асосида ривожлантириш бўйича топшириқ берилганди.

Йиғилишда ушбу топшириқлар ижроси Булунгур, Нарпай, Оқдарё, Пахтачи, Қўшработ, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шахри мисолида кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, чекка ҳудудларда аҳоли кўп бўлса-да, юқори даромадли иш ўринлари етарли эмас. Нарпай, Қўшработ, Пахтачи, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шахрининг вилоят саноатидаги умумий улуши атиги 10 фоизни ташкил қилади. Нарпай, Пахтачи, Пастдарғом туманлари ҳамда Каттақўрғон шахрида ишсизлик ва камбағаллик даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори.

Шу боис, мазкур ҳудудларнинг салоҳиятини келиб чиқиб, уларни аниқ ихтисослашув асосида ривожлантириш тақдир этилди. Хусусан, Булунгур, Қўшработ, Пахтачи ва Каттақўрғон туманлари қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва боддорчилик маркази сифатида ривожлантирилади. Булунгурда йиллик қувавти 100 минг бош бўлган 50 миллион долларлик насличлик корхонаси, Қўшработ ва Оқдарёда йиллик қувавти 800 минг дона бўлган 20 миллион долларлик насли жўжа корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган.

Нарпай тумани ва Каттақўрғон шахри саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсиш нуктасига айланатилади. Жумладан, Нарпайда 100 гектар майдонда саноат зонаси ташкил этилиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 500 миллион

долларлик лойиҳалар жойлаштирилади. Бу жараёнда Япониянинг 10 та йirik компаниясини жалб этиш кўзда тутилган.

Оқдарё тумани паррандачилик, тўқимачилик ва қайта ишлаш саноатида ихтисослашган ҳудуд сифатида ривожлантирилади.

Йиғилишда Нарпай, Пахтачи, Пастдарғом туманлари ва Каттақўрғон шахрида ишсизлик даражасини 3 фоизгача, камбағалликни 2 фоизгача тушириш, Иштихон, Нарпай, Нуробод, Пахтачи, Қўшработ ва Каттақўрғон туманларида экспортни 20 фоизга ошириш, шунингдек, Булунгур, Нарпай, Нуробод, Пайариқ, Пахтачи, Қўшработ, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шахрида хизматлар ҳамда саноат ҳажмини 2 қарра кўпайтириш бўйича лойиҳалар тақдимот қилинди.

Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йил бошидан мамлакатимизга келган хорижий туристлар сони 27,3 фоизга ошиб, 5,4 миллион нафарга етди. Ўзбекистон хорижий туристлар сони 20 миллион нафарга, туризм экспортни 10 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олган. Бунинг учун ҳудудларда туристларни узоқроқ ушлаб қоладиган янги йўналишлар ва сервис объектларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда Самарқанднинг тарихий марказидаги 13 та кўчани пиледалар ҳудудига айлантириш, янги туризм ва сервис объектларини барпо этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди. Шунингдек, "Оҳалик — Оқбўйор — Миронкул" туристик-рекреацион зонаси ҳудудини кенгайтириш тақдир қилинди. Имом Мотуридид ёдгорлик мажмуаси қаршидан оқиб ўтувчи "Шаар" коллектори атрофини ободонлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур чоралар натижасида Самарқанд шахри, Нуробод ва Самарқанд туманларида

меҳмонхоналар сони 850 тага, номер фондиди 20 минг ўринга, туризм хизматлари ҳажмини 750 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда аҳоли яшashi учун қулай инфратузилма яратиш энг асосий вазифа экани таъкидланди. Бунинг учун ижтимоий объектлар қуриш, йўл, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, электр таъминотини яхшилаш, сервис ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш, саноат лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 1,2 триллион сўм ажратиш тақдир қилинди.

Самарқанд шахрида реновация дастури асосида "Кимёгарлар" қўрғонини аҳоли учун қулай қиёфага келтириш бўйича мастер-режани бир ой муддатда тасдиқлаш, Булунгур туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" масисни ҳудудини кенгайтириш, йил якунига қадар Самарқанд шахрининг "Темир йўл орти" ҳудудидаги бўш турган ер ва бинолар ўрнида спорт, маданият, musiқа ва санъат масканларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ҳузурда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш маъқулланди. Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича иқтисод қилинган маблағлар ушбу жамғармага йўналтирилиши белгиланди.

Йиғилишда мутасаддиларнинг ахбороти тингланди. Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг ҳар бир туманида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

ШАҲАРСОЗЛИК ВА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шаҳар аҳолиси улуши 50 фоиздан ошди ва келуси йилларда мазкур кўрсаткич яна ўсиши кўтилмоқда. Аҳоли сони ва қурилиш суръатлари ортиб бораётгани шаҳарсозлик режаларини замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиш, яшил ҳудудларни сақлаш, тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини уйғун ривожлантиришни тобора долзарб қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда республикадаги 8 минг 604 та аҳоли пунктдан 2 минг 506 таси ёки 29 фоизи бош режалар билан қамраб олинган. 2026 йилда яна 154 та, 2027 йилда эса 144 та аҳоли пункти учун бош режалар ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Мавжуд бош режаларнинг 1 минг 44 таси электрон шаклда ўтказилган.

Шу билан бирга, алоҳида ҳудудларни ривожлантириш бўйича 2024-2025 йилларда 275 та мастер-режа ишлаб

чиқилган бўлса-да, уларнинг ягона ҳисоби юритилмаган, бош режалар билан ўзаро боғланмаган. Бу эса ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инфратузилма, транспорт, муҳандислик тармоқлари ва ижтимоий объектларни уйғун режалаштиришда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

➔ **Давоми 2-бетда**

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг фаолияти натижалари ва уни янада ривожлантириш режалари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда миллий ўзлини анг-лаш, бой тарихий-маънавий меросимизни чуқур ўрганиш, улуг алломуларимиз илмий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази эса аини шу йўналишда миллий ва халқаро аҳамиятга эга замонавий маданий-маърифий платформа сифатида шаклланди.

Тақдимотда ўтган даврда марказ томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Марказ жорий йилнинг 17 март кунини мухташам бинода расман иш бошлади. 1 июнь ҳолатига кўра, марказга ярим миллион нафар маҳаллий ва хорижий таширф буюрувчилар келган. Қўнлик таширфлар

сони ўртача 6 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу даврда муассасага 150 дан ортиқ хорижий делегация ва 2 минг нафардан зиёд хорижий меҳмонлар таширф буюрган.

Мажмуа таркибида Болалар музейи ташкил этилди, Имом Бухорий инновацион музейининг фаолияти йўлга қўйилди. Бинода Имом Мотуридид халқаро илмий-тадқиқот маркази жойлаштирилди. Гид-экскурсоводлар ва назоратчи хизмати ташкил қилинди.

Илмий ва инновацион йўналишда 810 та лойиҳа амалга оширилди. Бу ишларда 2 мингга яқин маҳаллий ва хорижий олимлар иштирок этди.

Марказда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, маҳорат дарслари

ва китоб тақдимотлари ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирларга бугунга қадар 5 мингдан зиёд иштирокчи жалб этилди.

Маданий меросни қайтариш ва фондларни бойитиш йўналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жами 1 мингдан зиёд артефакт Ўзбекистонга қайтарилди. Марказ кутубхона фонди ҳам бойитилмоқда. Ҳозирги кунда фонд таркибида 3 мингдан ортиқ нодир нашр мавжуд бўлиб, 762 таси имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган. Фонд рақамлаштирилмоқда, электрон чиплар ўрнатилмоқда.

➔ **Давоми 2-бетда**

Мамлакатимиз етакчиси Шавкат Мирзиёев Президентлик вазифасига киришгач, илк таширфи Қорақалпоғистонга бўлган эди. Ўша тарихий таширф Ўзбекистондаги янгиланишлар даврининг дебوحаси бўлди. Ислохотларга нафақат давлат раҳбари, балки шу элнинг асл фидойи фарзанди сифатида қўл урилганини ўшанда кўпчилик англаб улгурмагандир. Тан олайлик, янги давр ислохотларига бир оз шубҳа билан қараганлар топиладди ўша пайтларда. Ният қанча холис, самимий бўлса, натижа шунчалик юксак бўлишига ўтган қисқа даврда гувоҳ бўлиб келяпмиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: УЛКАН МАҚСАДЛАР, ЁРҚИН НАТИЖАЛАР



Тараққиёт одимлари

Ўзгаришлар даври

Ўн йил аввал Нукусга борган киши талабга жавоб берадиган меҳмонхона топишга ҳам қийналарди. Хизматлар, шароитдан унчалик ҳам кўнгили тўлмасди. Негаки, бунга эҳтиёж йўқ эди. Оролбўйига меҳмонга бориш тугул, туб аҳоли, айниқса, ёшлар янада қулай ва экологик инки-роздан узоқроқ шаҳарларга кўчиб кетиш ҳа-лида яшарди. Ана шундай бир фурсатда инсон қадрини улуглашга қаратилган янгиланишлар нафаси кириб келди.

Президентимиз, "Қўриб турибсизлар, қорақалпоқ заминида яшаб, ишлаётган одамларнинг эртаси бугундан яхши бў-лиши учун катта марраларни олганмиз", деган эди. Бугун ана шу балан олган мар-ралар бирма-бир забот этилмоқда. Шу боис, ҳеч ўйланмай айтаемизки, янги Ўзбекистон-даги ўзгаришларни бор бўй-баста билан ҳис этиш учун Қорақалпоғистонга сафар қилинг! Нукусдан токи Оролнинг қуриган тубигача бўлган бепоён кенгликни кезиб, инсонлар билан суҳбатлашиб, эртанги кун режалари билан танишинг!

Мақола аввалиданок бундай дейишимизнинг асослари бор, албатта. Одатда тахлилчилар айни кундаги ислохотларга вақт ўтиб ҳақиқий баҳони бериш мумкин дейди. Бу тўғри фикр, аммо ҳар қандай ҳақиқатда ҳам нисбийлик бор. Демокчи-мизки, ҳозирги янгиланишлар шиддатини айни дамнинг ўзида ҳис этиш, шунга қараб самарадор-лигини таҳмин қилиш бўлади. Бунинг ягона йўли инсонлар қалбига қўлоқ тутишдир. Зеро, инсон-ларнинг келажак режасига қараб, бугунги кун учун ҳақиқий баҳо бериш мумкин. Ушбу фикрни Оролбўйи аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти мисолида тахлил этишга уриниб кўрсак.

Қарақў ерга сув келишини ҳеч қузатганим-сиз? Бундай вақтда сувнинг тезлиги, ҳажмидан қатъи назар, ердан ўзига хос овоз чиқади. Гуё ер таҳсин айтиб, чапак чалаётгандек бўлади. Даст-лаб, сувнинг катта қисми ерга сингади. Уша жой тўйинмагунча, кейинги манзилларга етар-лича обиҳаёт бормайди. Худди шунингдек, йил-лар давомида йиғилиб қолган масалаларни ҳал этиш, қарийб 40 миллион нуфусга эга халқни рози қилиб, бир мақсад атрофида бирлаштириш эса айтишгагина осон!

➔ **Давоми 3-бетда**

Янги лойиҳа

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ШИДДАТЛИ ЭВРИЛИШ ВА РЕАЛ НАТИЖАЛАР МАНЗИЛИ

Кутиб олинг, "Янги Ўзбекистон" газетасида янги лойиҳа — "Янги Ўзбекистон: Шиддатли эврилиш ва реал натижалар манзили" бошланди.

Мамлакатимиз етакчисининг сиёсий иродаси сабаб қисқа вақтда катта тарих яратилди. Натижада инсон қадрини улуглашга қаратилган ислохотлар нафаси олис қишлоқ ва овуларга ҳам кириб борди. Юртдошларимиз реал вақт режимидаги ўзгаришларни ўз ҳаёти мисолида кўриб, қувониб, бир бутун мамлакат, ягона халқ бўлиб бириладди.

Яна бир ҳаётини ҳақиқат бор. Ўсиш ва ўзгариш суръати қанчалик шиддатли бўлса, кечаги кундаги масалалар, босиб ўтилган тарих шунча тез унут бўлиб боради. Ҳаётнинг бу аччиқ ҳақиқати зиёлилар, айниқса, журналист, ёзувчилар олдига кеча ва бугунни қиёс этиб, тарихни ёзиб боришдек жуда муҳим вазифа қўяди. Зеро, кечаги кунни эслаб, уни таҳлил этиш кўзланган мақсад сари оғишмай боришда муҳим йўлқўрсаткичдир.

Мазкур лойиҳани бугунги натижалар таҳлили орқали қисқа вақтда қанчалик катта тарих яратилганини очиб бериш мақсадида бошладик. Унга кўра, "Янги Ўзбекистон" газетасининг ижодий жамоаси мамлакатимиз бўйлаб олис қишлоқ ва овулардаги ўзгаришлар, шаҳарларнинг янгиланган қиёфаси билан яқиндан танишди. Зиёлилар, ёшлар, фаоллар ва оддий инсонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дил сўзларига қўлоқ тутди. Шу асосда реал ҳаётини ҳикоялар орқали ислохотлар қўламини очиб беришга ҳаракат қилди.

Лойиҳани Қорақалпоғистон Республикасидаги ўзгаришлар мисолида бошлашни ният қилдик. "Янги Ўзбекистон" газетасининг бугунги сонини тўлиқ ушбу ҳудуднинг ўн йиллик тараққиёт йўлига бағишладик.

Қорақалпоғистондаги янгиланишлар билан танишар эканмиз, газетани битта соҳадаги натижаларга бағишласак ҳам уни бор бўй-баста билан очиб бериш имконсиз экани ойдинлашди. Шу боис, лойиҳада имкон қадар кўпроқ йўналиш, соҳани қамраб олишга, улардаги энг муҳим жиҳатларни очиб беришга уриндик.

Умид қилаемизки, Оролбўйи ҳаётига бағишланган бугунги таҳлилий мақолалар орқали ушбу заминдаги асл эврилишлар қўламини ҳис этасиз.

Тахририят

ШАҲАРСОЗЛИК ВА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Бошланиши 1-бетда

Шу муносабат билан бош режа ва мастер-режалар билан ишлашнинг янги тизими тақлиф этилди. Унга кўра, биринчи босқичда бош режалар бўйича маълумотлар тўлиқ жамланади ва актуаллаштирилади, иккинчи босқичда рақамлаштириш ишлари амалга оширилади, учинчи босқичда мониторинг тизими йўлга қўйилади, тўртинчи босқичда эса комплекс ахборот-таҳлил тизими шакллантирилади.

Бу жараёнда шаҳарсозлик ҳужжатларининг ягона электрон реестри юритилади. Рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмаслиги белгиланади. Урбанизация марказига шаҳарсозлик геоахборот тизимини юритиш, комплекс қурилиш жараёнларида топогеодезия ишларини мувофиқлаштириш ва ҳудудий архитектура-режалаштириш кенгаширининг фаолиятини асраб туришни таъминлаш каби қўшимча вазифалар юкланади.

Урбанистика, геодезия, кадастр, лойиҳалаш, агромерцаияларни бошқариш ва геоахборот тизимлари билан ишлаш оладиган ўрта ва олий бўғин мутахассисларига эхтиёж ортиб бормоқда.

Шу мақсадда Тошкент геодезия ва картография техникумини Урбанистика, геодезия ва кадастр техникуми сифатида қайта ташкил этиш тақлиф қилинди. Унда ўрта бўғин учун ўловчи мутахассислар, кадастр ва геодезия, компьютер графикаси дизайн операторлари ҳамда компьютер кадастр дастурулари йўналишларида кадрлар тайёрланади.

Олий таълим тизимида Тошкент архитектура-қурилиш университетига “Замонавий урбанистика ва агромерцаияларни бошқариш” факультетини очиб режалаштирилган.

Улушли қурилиши молиялаштиришнинг янги тизими — эскроу ҳисобварақлари механизми ҳам муҳокама қилинди. Бунда хари-дорлар маблаг ваколатли бандагга махсус ҳисобварақда сақланади, қурилиш ишлари белгиланган шартлар асосида бажарилгандан кейингина қурувчига ўтказилади.

Эскроу тизими тўрт асосий қондага асосланади. Биринчидан, эскроу ҳисобварақларига тушган маблағлар кредиторларнинг ундируви-га қаратилмайди. Иккинчидан, инвесторлар ва қурувчилар фақат ваколатли банклар орқали ишлайди. Учинчидан, топшириш далолатно-маси имзолангандан сўнг маблағлар қурувчи-га ўтказилади. Тўртинчидан, шартнома бекор қилингандан улушдор маблаг тўлиқ қайтари-лади.

Янги тизимда “Uy-joy” ягона ахборот платформаси муҳим ўрин тутаяди. Ушбу плат-формада барча қурилиш жараёнлари очик электрон тарзда юритилади, девелоперлар рейтингини, рухсатномалар, лойиҳа ва қурилиш жараёни, эскроу ҳисобварақлари ва шартнома-лар бўйича маълумотлар бирлаштирилади.

Тақдимотда битта қурилиш объекти бўй-ча маълумотлар ҳозирда бир нечта ахборот тизимларида алоҳида юритилаётгани ҳам кўрс-атиб ўтилди. “UzKad”, “E-auction”, “E-faqor”, “Шаффоқ қурилиш”, “Менинг уйим” каби тизимлардаги маълумотлар ўзаро боғланмага-ни сабабли ер участкаси, лойиҳа ҳужжатлари, экспертиза, қурилишга рухсатнома ва объект-ни фойдаланишга топширишга бўлган жа-раёнлар тарқок ҳолда шаклланмоқда.

Шу муносабат билан қурилиш жараёнла-рига ягона идентификатор, ҳудуднинг рақамли паспорти, лойиҳанинг рақамли паспорти ва объектнинг рақамли паспортини жорий этиш

тақлиф қилинди. Бу объектнинг бутун ҳаёт циклини ягона рақамли контурда қамраб олиш имконини беради.

Шаҳарсозлик реновацияси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Республика-даги 1991 йилгача қурилган 17 мингта уйлар ўрнига замонавий, энергия тежамкор, инфра-тузилма билан таъминланган кўп квартирали уйлар қуриш мумкинлиги кўрсатилди.

Ҳозиргача реновация жараёнларини тар-тибга соладиган ягона қонун мавжуд эмас эди. Шу боис, шаҳарсозлик реновацияси тўғриси-даги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда реновация ҳудудларини белгилаш, аҳоли розилигини олиш, компенсация ва кўчириш тартиблари, инвесторлар мажбуриятлари ҳам-да давлат органлари ваколатларини аниқ бел-гилаш назарда тутилмоқда.

Реновация лойиҳалари орқали эскирган уй-жой фондини янгилаш, аҳоли учун яхф-сиз ва қулай яшаш шaroитларини яратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш, яшил ҳудудлар ва иж-тимоий инфратузилмани кенгайтириш мақ-сад қилинган.

Президентимиз шаҳарсозлик ва урбанизация соҳасидаги ислохотлар аҳоли учун қулай муҳит ва барқарор ривожланиш тамойиллари-га асосланиши заруригини таъкидлади.

Мутасаддиларга бош режалар ва мастер-режаларни рақамлаштириш, “Uy-joy” ягона платформасини ишга тушириш, улушли қури-лишда фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш, эскроу механизмларини жорий этиш ҳамда реновация бўйича аниқ ва адолатли тартиб-ларни шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎЗА

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Муассаса фаолиятига замонавий техно-логиялар ва рақамли инновациялар ҳам кенг жорий этилмоқда. Мехмонлар учун робот-гидлар харид қилинди, мультимедия ва интерфаол қурилмалар экс-позицияларга жойлаштирилди.

Марказ “Дунёнинг энг йirik ислом цивилизацияси музейи” сифатида “Гин-нессинг жаҳон рекордлари китоби”га киритилди.

Тақдимотда марказни янада ривож-лантириш бўйича келгуси режалар ҳам кўриб чиқилди.

Авалло, илмий-тадқиқот ва нашр иш-ларини янги босқичга олиб чиқиш мас-алалар муҳокама қилинди. Марказнинг илмий журналини халқаро “Scopus” ва “Web of Science” базаларига киритиш, илмий марказларнинг ягона интеграция-лашган платформасини яратиш, кўл-ёз-маларнинг рақамли каталогини тайёр-лаш режалаштирилган.



Диний-маърифий соҳадаги магистр ва докторантлар учун “Ислом маърифати” стипендиясини жорий этиш, дунёга машҳур олим ва экспертларнинг китоблари тақдимотларини ташкил этиш режалаштирилган. Келгуси босқичда 20 минг нафар ёшлар, диний-маърифий соҳа вакиллари, жумладан, имом-хатиблар ва отинийларни марказ фаолиятига жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Маданий меросни қайтариш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар кўриб чи-қилди. Мазкур йўналишда жаҳон аук-ционлари, музейлар, хусусий коллек-циялар ва халқаро санъат бозорларида Ўзбекистонга мансуб нодир артефакт-ларни излаш, аниқлаш, илмий ўрганиш, экспертизадан ўтказиш, музокаралар олиб бориш ва уларни Ватанга қайтариш бўйича доимий механизм яратиш зару-рилик қайд этилди.

Шунингдек, дунё бўйлаб Ўзбекистон маданий меросини доимий мониторинг қилиш, маданий мерос объектларининг ягона рақамли маълумотлар базаси ва халқаро реестрини шакллантириш, Мар-казий Осиёда ягона бўлган замонавий

ЎЗА

БИРЛИК БОР ЖОЙДА БАРАКА БОР

Жамиятдаги ҳар қандай тараққиёт фақат катта қарорлар билан эмас, балки уларнинг инсон ҳаётига қандай таъсир қилиши билан ўлчанади. Бу таъсир эса, энг аввало, маҳаллада сезилади. Шу боис, маҳалла шунчаки маъмурий ҳудуд эмас, давлат ва жамият ўртасидаги боғланиш нуқтасидир. Агар шу нуқтада ўзгариш сезилмаса, бошқа жойдаги ютуқлар тўлиқ маъно касб этмайди.

Нукус туманидаги Дийхан арна маҳалласи ҳам ана шундай ҳаёт кечаётган ҳудудлардан бири. Маҳалламизда 836 оила бор, унда 3611 нафар киши истиқомат қилади. Ташқаридан қараганда, бу оддий рақамлар. Лекин ҳар бир рақам ортда бир тақдир турганини ҳисобга олсак, сўнгги йилларда уларнинг яхши яшаш, ўқиш, сифатли тиббий хизматлардан фойдалани-ши, кўйингики, инсон фаровонлиги учун ни-маики зарур бўлса, барчаси йўлда бу ҳудудда кечаётган ўзгаришлар катта аҳамиятга эга.

Янгиланишларни бир йўналиш билан изох-лаб бўлмайди. Бу ерда ижтимоий ҳимоя, инфра-тузилма ва иқтисодий фаоллик бир-бирини тўл-дирмоқда. Ижтимоий дафтарларга киритилган

оилаларга амалий ёрдамлар етказилди: 4 оилга 20 бош қўй-эчки берилди, 200 та парранда тақ-дим этилди. Чунки ҳаёт кўрсатадики, инсонга ишонч берилса, у ҳаракат қилади. Имконият бе-рилса, йўлни топади. Маҳалладаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларининг энг муҳим жи-ҳати ҳам айнан шу — инсонни қарамликдан чиқариб, ҳаракатга ундаш.

Шу билан бирга, уй-жой шaroитини яхши-лашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқ-да. 34 хонадоннинг том қисми ёпилди, 8 та уй қайта таъмирланди, 43 хонадонга қуёш панел-лари ўрнатилди.

Бу ишлар бир қарашда техник жараёнга ўхшайди. Лекин унинг ортда бошқа ҳақиқат

бор — одамнинг кундалик ҳаёти енгиллаш-моқда, ҳаракатлари қамқаймоқда, уйдаги бар-қарорлик ортиб бормоқда.

Инфратузилма масаласида сезиларли силжишлар бор. 2024-2025 йиллар давомида 8 та кўчага шағал, 5 та кўчага асфальт ётқи-зилди. Зеро, йўл яхшиланса, алоқа кучаяди, савдо фаоллашади, одамнинг ҳаракати енгил-лашади.

2025 йили “Очқик бюджет” дастурида ма-ҳалла ёшларининг мунтазам спорт билан шуғулланиши учун қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмлик футбол, волейбол, баскетбол майдончаси лойиҳаси ёғили бўлди. Жорий йил Нукус — Чимбой — Тахтакўпир марказий йў-лга туниги ёриткичлар ўрнатиш учун қиймати 1 миллиард 648 миллион сўмлик лойиҳа ҳам ютуб олинди.

Таниқли зиёлилар, маънавият ва маърифат тарғиботчилари, депутат ва олимларни жалб қилган ҳолда маҳалламиз аҳолиси, айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб

қилишга қаратилган “Ватан остонадан бош-ланади”, “Мустақиллик — буюк неъмат”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Гийёҳандлик — аср ва-боси” каби мавзуларда учрашув, давра суҳбат-лари ва жонли мулоқотлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ҳудудда яшаётган барча миллат вакиллари-нинг дўстлиги, ўзаро ҳамжихатлиги ва тотув-лигини янада мустақкамлаш йўлида “маҳалла еттилик” бор куч-гайрати, тажрибасини аям-лай хизмат қилмоқда.

Бугун бу каби ўзгаришлар нафақат бизнинг маҳалламизда, балки республика бўйлаб ҳам кузатилаётгани ҳақиқат. Одам ўз маҳалласи-дан рози бўлса, давлатдан ҳам рози бўлади. Шунинг учун Дийхан арнадаги ҳар бир кичик ўзгаришини мен катта қадам деб биламан.

Марат АМИНОВ, Нукус туманидаги “Дийхан арна” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ДАВР НАФАСИ БИЛАН ЮКСАЛАЁТГАН ДИЁР

Оролбўйи неча асрлар давомида турли синовлар, мураккаб жараёнларни бошидан кечирди. Ўтмиш қанчалик машаққатли бўлмасин, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг мустақкам бирлиги, сабр-матонати ва эзгу мақсадларга ишончи туфайли Қорақалпоғистон ҳаётбахш қудратини асраб қолди.

Президентимизнинг бу ҳудудга алоҳида эътибори ва гамхўрлиги, юртимизда кечаёт-ган тарихий ислохотлар шиддати туфайли бугун бу заминда янги давр нафаси уфурмоқ-да. Кечаги ташвишлар ўрнини бунёдкорлик, умид ва ишонч эгаллаб, улкан ўзгаришлар, кенг қўламли ислохотлар, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишлар марказига айланиб бор-моқда.

Биргина Қораўзак туманида сўнгги бир йил ичида ишга туширилган, қиймати 118,5 миллиард сўмлик 38 та лойиҳа шу ҳақиқат-нинг яққол исботидир. Бу рақамлар ортда янги мактаб ва боччалар, таъмирланган йўл-лар, замонавий хизмат кўрсатиш нуқталари ва ўз ҳаётида ўзгаришни ҳис қилган одамлар манфаати турибди. Аввал оддий эхтиёж ҳисобланган муаммоли масалалар бугун сифатли инфратузилма, қулай шaroит ва ишончли келажакка айланмоқда.

Есимузек канали бўйлаб 5 километрли ҳудуднинг дам олиш маскани сифатида қайта барпо этилиши ҳам туман қиёфасини ўзгар-тирган лойиҳалардан бири бўлди. Бу ер бугун оилалар сайр қиладиган, ёшлар тўпланадиган, одамлар дам олиб, руҳий тикланадиган янги ижтимоий макондир.

1,5 триллион сўмлик инвестиция дастур-лари ҳудуднинг иқтисодий қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Айниқса, қиймати 117 миллион доллар бўлган шомол электр станцияси Қораўзакни энергетика соҳасида стратегик аҳамиятга эга ҳудудлар қаторига олиб чиқ-ди. Бу лойиҳа фақат электр энергияси ишла-б чиқаришгагина бўлиб қолмай, барқарор ва экологик тоза ривожланиш тамойилларининг амалдаги кўринишидир.

Олтинни қайта ишлаш корхонаси ишга тушиши ҳаммаёнинг ўзи билан эмас, балки ундан яратиладиган қиймат билан ишлаш имконини бермоқда. Бу ҳудуд иқтисодийети-ни чуқурлаштириш, даромад мабдаларини



Татлимурот АТАМУРОВОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси

кенгайтириш ва аҳоли учун янги иш ўринла-рини яратиш демакдир.

Бундай изчил ислохотларни Хўжайлида ту-мани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Сўнгги йилларда саноят соҳасида кузати-лаётган ўсиш туманида иқтисодиёт рақамлар доирасидан чиқиб, одамлар ҳаётини ўзгарти-раётган реал кучга айланганини кўрсатади. Саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 343,5 миллиард сўмдан ошиши аҳоли даро-мадлари ва турмуш сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Бу ердаги энг муҳим жиҳат, тизимли ён-дашув ҳамда аниқ режа асосида қилинаётган ишлардир. 2022-2026 йилларга мўлжаллан-ган, қиймати 976,3 миллиард сўмлик 233 та

инвестиция лойиҳаси ижтимоий ҳаётга ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида очилаётган 5 миңдан ортқ иш ўрни тумандаги шунча оила учун барқарор даромад манбаи, ёшлар ва хотин-қизлар учун ўз ватанида муносиб меҳнат қилиш имкония-тини яратмоқда.

Шунингдек, чакана савдо айланмаси 108 фoиз, қурилиш ҳажми 113,2 фoиз ўсиши Хўжайлида иқтисодий фаоллик кучайгани, бозорлар кенгайгани ва хизмат кўрсатиш соҳаси янги босқичга чиққанини кўрсатади.

Чимбой туманида бугун замонавийлик ва миллий қадриятлар ўзаро уйғун ҳолда янги ижтимоий муҳитни шакллантирмоқ-да. Туманда барпо этилган 1400 ўринли замонавий амфитеатр ҳамда 1500 ўринли футбол стадиони ёшлар учун фақат спорт ва маданият масканигина эмас, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқадиган марказга ҳам айланмоқда.

Навоий вилояти билан йўлга қўйилган ҳамкорлик доирасидаги лойиҳалар туман қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Янги бо-чалар, мини футбол майдонлари қурилиши, ичимлик сув тармоқлари янгиланиши аҳоли турмуш шaroити ва ижтимоий муҳитини ях-шилашга хизмат қилмоқда. Бу ўзгаришлар ҳар бир маҳаллада сезиларли натижалар бе-риб, халқ розилигига хизмат қилаётган изчил ислохотларнинг амалий ифодаси бўлмоқда.

Нукус — Чимбой — Тахтакўпир автомо-бил йўли реконструкция қилиниши туман-нинг транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириб, транзит ҳаракатни енгиллаш-тирди. Бу йўл орқали Чимбой нафақат ички иқтисодий алоқаларда, балки минтақавий савдо тизимида ҳам янада фаол иштирок этаятган ҳудудга айланмоқда.

Бундай ишларни Кегейли ва Бўзатов ту-манлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ке-гейли туманида ташқи савдо айланмаси 18,2 миллион долларни ташкил этиб, ўсиш дина-микаси ижобий томонга ўзгаргани иқтисодий мустақиллик йўлидаги муҳим ютуқдир.

Бўзатов туманида эса сўнгги йиллардаги бунёдкорлик ишларига сарфланган 700 мил-лиард сўмдан зиёд маблаг ўз натижасини бер-моқда. 124 миллиард сўмлик Бўзатов санато-риysi нафақат даволианиш маскани, балки



Ислохотлар амалда

ҳудуднинг туризм салоҳиятини оширувчи марказга айланади. “Обод қишлоқ” дастури доирасида чекка маҳаллалардаги инфрату-зилма янгиланиши ижтимоий тенгликни таъ-минлашда бош омил бўлди.

Улкан қурилишлар ва келажак пойдевори-га айланган Тахтакўпир туманида 2016 йилдан 2025 йилгача саноят ҳажми 27,2 баробар, экс-порт эса 22,3 баробар ўсиши иқтисодий мўъ-жиздир. 2016 йилда туманда экспорт ҳажми бор-йўғи 928 миң доллар бўлган, 2025 йилда эса 20,7 миллион доллардан ошди.

Амударё туманида дарё устида қурилган 423 метрли автомобиль ва темир йўл қўшма кўприги аср лойиҳаси бўлди. 400 миллион долларлик бу лойиҳа масофаларни яқин, одамларнинг оғирини енгил қилди. Юк та-шиш масофаси 180 километр қисқариши ва 2000 та иш ўрни яратадиган “Амударё есо-парк” экобозори туманининг иқтисодий ке-лажани белгилаб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деб бежиз айтмаган. Бу чуқур фалсафий фикр бугун Қорақалпоғис-тон мисолида амалий ифодасини топмоқда. Негиз деганда, қурилаётган улкан заводлар, Амударё устидаги муаззам кўприк ёки Тах-такўпирдаги иқтисодий ўсиш суруятлари — буларнинг барчаси иқтисодий “тана”ни таш-кил этади. Бироқ бу моддий бойликлар агар юксак маънавият, миллий гурур ва ватанпар-варлик билан сугорилмаса, уларнинг умри боқий бўлмайди.

Иқтисодиёт ва маънавиятнинг бундай уй-ғунлигини биз туманлардаги ўзгаришларда яққол кўраёмиз.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда иж-тимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли онги ва дунёқарашини юксалтириш-га қаратилган тизимли ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Уйчи тажрибаси” асосида 17

туман ва шаҳардаги маҳаллаларда жамоат-чилик асосида маърифат тарғиботчилари фаолияти йўлга қўйилиб, аҳоли билан яқин мулоқот, маърифий суҳбатлар ва тарбиявий тадбирлар тизимли тус олди.

Шу билан бирга, маданий-маърифий иш-ларнинг янги шакл ва мазмун касб этишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Театр актёр-лари иштирокида тайёрланаётган миллий ва тарбиявий аҳамиятга эга контентлар орқали маънавий гоғлар кенг жамоатчиликка замона-вий усулда етказилмоқда. Шу орқали иж-тимоий тармоқлар ҳам маърифат тарғиботининг самарали майдонига айланмоқда.

Ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш бо-расида янги механизмлар жорий этилмоқ-да. Олий таълим муассасаларида “Ёш зиё-лилар” клублари ташкил этилиши, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети олимлари, докторантлари ва иқтидорли талабаларнинг ижтимоий масалалар ечимида фаол иштирок этиши илм-фал ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқлиқни янада муста-ҳкамламоқда.

Маҳаллаларда маънавий муҳитни бойи-тишга қаратилган ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилган. Китоб маҳсулотларини чоп этиш, кўргазмалар тарғибот воситалари ўрнатиш, ижтимоий роликлар тайёрлаш, викторина ва тури таловлар ўтказиш каби аҳолининг маънавий ҳаётини янада фаоллаштирмоқда. Кинохоблиқ маданиятини ривожлан-тириш йўлидаги ишлар алоҳида аҳамият-га эга. Қорақалпоқ халқ эртақлари асосида нашр этилган китоблар ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қил-моқда. Шунингдек, қатор телерадиокўрсату-влар орқали маънавий-маърифий гоғлар кенг аудиторияга етказилмоқда.


Бу саъй-ҳаракатлар натижасида Қорақал-поғистон маънавий-маърифий соҳада мамла-катимизда етакчи ҳудудлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Энг намунали туман ва шаҳар” таловида қорақалпоқ туманлари-нинг бир неча бoғ голлиқини кўлга кирити-ши бу йўналишдаги ишларнинг самарасини яққол тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон бугун шунчаки ян-гиланиш йўлидаги ҳудуд эмас, балки янги Ўзбекистоннинг маънавий ва ижтимоий та-раққиётини ўзида мужассам этган муҳим замирандан биридир. Ҳар бир ташаббус таъмирда инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир ислохот ортда эса халқ фаровонлигини таъ-минлашдек эзгу мақсад мужассамдир.



Экспорт ҳажмининг 32,1 миллион доллардан 435 миллион долларгача ўсиши эса ҳудуднинг ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб, унинг глобал бозорлардаги иштироки фаоллашаётганини кўрсатади.

Таҳлил



ОРОЛБЎЙИ ЙИРИК БИЗНЕС

ВА ТАДБИРКОРЛИК ХАБИГА АЙЛАНМОҚДА

Иқтисодиёт бугун оддий ҳисоб-китоблар ёки ишлаб чиқариш ҳажми билан ўлчанмайди. У, аввало, инсоннинг эртанги кунга ишончи, тадбиркор ташаббуси, инвесторнинг қарор қабул қилиши ва давлат сиёсати самарасида кўринади. Қайси жойда ишонч муҳити шаклланса, ўша ерда ҳаракат пайдо бўлади. Ҳаракат бор жойда эса тараққиёт тезлашади.



Умар УСМОНОВ,
Савдо-саноат палатасининг
Қорақалпоғистон Республикаси
ҳудудий бошқармаси бошлиғи

шу мақсадда “Қорақалпоғистонда бизнес қилинг” дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилганди. Бу бўйича айна пайтда тизимли ишланмоқда.

Бугун Қорақалпоғистон мисолида бир ҳақиқат янада яққол намоён бўлмоқда: ислохотларнинг ҳақиқий самараси фақат ҳисоботларда эмас, инсонлар кайфиятида, меҳнатга муносабатларида ва келажакка бўлган қарашларида ҳам акс этмоқда. Шу маънода, ҳудудда кечаётган жараёнларни янги иқтисодий тафаккур, янги имкониятлар муҳити ва янги тараққиёт босқичининг шаклланиши сифатида баҳолаш ўринлидир.

Қорақалпоғистонда 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 13,5 триллион сўм атрофида бўлган, жорий йил бошида эса 54 триллион сўмдан ошгани иқтисодий тизимнинг мазмунан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади. Эътиборли жиҳати, ўсиш экстенсив кенгайиш ҳисобига бўлмай, бошқарув тизимининг янгиланиши, инвестиция муҳити яхшиланиши ва иқтисодий муносабатлар замонавийлашуви орқали таъминланмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,5 миллион сўмдан 26,5 миллион сўмгача ошиши эса бу ўсишнинг реал ижтимоий таъсирга эга эканига далилдир. Чунки бу рақамлар ортда ҳар бир оиланинг даромад манбалари кенгайиши, истеъмол имкониятлари ошиши



мужассам. Иқтисодий назария нукта назаридан, бу ҳолат инклюзив ўсиш моделнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади, яъни ривожланиш натижалари жамиятнинг кенг қатламларига кенроқ тарқала бошлади. Инсонлар иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши, тадбиркорлик



Қорақалпоғистонда 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 13,5 триллион сўм атрофида бўлган, жорий йил бошида эса 54 триллион сўмдан ошгани иқтисодий тизимнинг мазмунан янги босқичга кўтарилганини кўрсатади.

ташаббуслари ортиши ва меҳнатга муносабат янгиланиши иқтисодий ўсишнинг чуқурлашганини аниқлатади. Демак, Қорақалпоғистонда кузатилаётган ривожланиш фақат рақамлар динамикаси эмас, иқтисодий тизим ва жамият ўртасидаги янги сифатли мувозанатнинг шаклланиши деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда тадбиркорлик муҳити тубдан ўзгариб, кўлами ва мазмуни янги босқичга чиқди. Корхоналар сонининг 11,1 мингтадан 26 минггача ошиши жамиятда ташаббускорлик маданияти шаклланиётганини аниқ белгисидир. Зеро, тадбиркорлик фақат иқтисодий фаолликни аниқлатади, у инсоннинг фикрлаш тарзи ва мустақил қарор қабул қилиш қобилияти билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир янги корхона ортда янги ғоя, янги иш ўрни ва янги иқтисодий муносабатлар тизими шаклланади. Бу эса жамиятнинг ички энергияси уйғонаётганидан далолат беради.

Саноат маҳсулотлари ҳажмининг 7 триллион сўмдан 29 триллион сўмгача ошиши Қорақалпоғистон иқтисодиётида саноатлашув жараёни изчил ва барқарор тус олаётганини кўрсатади. Бу ўсиш замирида ишлаб чиқариш қувватлари кенгайиши билан бирга технологияларни жорий этиш, меҳнат

“ Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда тадбиркорлик муҳити тубдан ўзгариб, кўлами ва мазмуни янги босқичга чиқди. Корхоналар сонининг 11,1 мингтадан 26 минггача ошиши жамиятда ташаббускорлик маданияти шаклланиётганини аниқ белгисидир. Зеро, тадбиркорлик фақат иқтисодий фаолликни аниқлатади, у инсоннинг фикрлаш тарзи ва мустақил қарор қабул қилиш қобилияти билан чамбарчас боғлиқ.”

Гоҳида хизматчилик, гоҳида саёҳат билан яқин-олис мамлакатларнинг катта-кичик шаҳарларида бўламан. Кўп-кўп манзилларни кўраман-у, ўз-ўзидан таққослай бошлайман. Ҳар ким ўз билганича пала-партиш қуриб ташланган иморатлар, йўлларнинг абгор аҳволи, лой ва чиқиндида тўла кўчалар одамнинг дилини хира қилади.

“Янги Ўзбекистон” массиви:

ТЎҲИС ЯШАШ БАХТИ

Аксинча, батартиб, яхлит меъморий ечим ва уйғунликда бунёд этилган, кўриниши ва архитектураси жиҳатидан бири иккинчисини тақдорламайдиган бино ва иншоотлар, анвойи гуллар билан тўла кўчалардан ўтар экансиз, беихтиёр қалбнигиз завку шаъққа тўлади. Демократик, атроф-муҳит, файзли гўшалар инсон кайфиятига ижобий таъсир қилади. Келинг, мавзунини Ўзбекистоннинг олис сарҳади — Оролбўйи ҳудуди мисолида давом эттирайлик. Бундан ўн йиллар олдин бу ҳудуд ҳақида гап кетса, одам юрса оёғи, куш учса қаноти куйадиган ҳадсиз-ҳудудсиз чўлу биебон хаёлимизда гавдаланарди. Бу гаплар бутунги авлод вакиллари учун ишончи қийин аччиқ ҳақиқат эди. Тарих олдида ўта қисқа давр — ўн йил давомида бу доғматик қарашлар чилпарчин бўлди.

Бугун Оролбўйи шаҳар ва овулларида ҳаёт қайнайдиган. Ҳар кўчада, ҳар манзилда улкан бунёдкорликлар. Одамларда бир пайтлардаги тушкун кайфият ўрнини қувонч, эртанги кунга кучли ишонч ва хотиржамлик эгаллаган. Ўйдошевлар оиласи учун 2026 йил унутилмас қувончлар билан бошланди. Ёш оила Президентимиз томонидан аҳолини уй-жой

фойдаланишга топширилди. Айна пайтда қолган 6 та кўп қаватли турар жойда қурилиш изчил давом этмоқда.

Бугун ушбу массивда юзлаб оилалар замонавий, қулай ва хавфсиз шароитга эга хонадонларда оёсийишга ҳаёт кечирмоқда. Янги барпо этилган уй-жойлар нафақат ташқи кўриниши, балки ички қулайликлар билан ҳам аҳоли талабларига тўлиқ жавоб бермоқда.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, қурилиш жараёнларига, асосан, маҳаллий қурувчи ташкилотлар жалб этилди. Бу эса ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Келгусида ҳам бу ерда қурилишлар давом эттирилади. Жумладан, жорий йилда “Янги Ўзбекистон” массиви таркибиде яна 10 та кўп қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Амударё туманида 2030 йилга қадар жами 49 та кўп қаватли турар жой қурилиш режалаштирилган бўлиб, бу минглаб оилалар учун янги ҳаёт, янги имкониятлар ва фаровон келажак демакдир.

“Янги Ўзбекистон” массиви шунчаки уй-жой эмас, балки инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиёт сари ташланган муҳим қадамдир.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сув КЕЛГАН ЗАМИНДА УМИД ҚАЙТА УЙҒОНАДИ

Баъзан катта ўзгаришлар шовкин-сурон билан эмас, балки инсон ҳаётидаги энг оддий эҳтиёжлар ҳал этилиши билан бошланади. Уйингизга тоза сув келиши оддий ҳолатдек туюлиши мумкин, аммо айнан шу “оддийлик” ортда инсон қадри, давлат сиёсатининг устувор йўналиши ва жамият тараққиётининг мазмуни мужассам. Чунки сув бор жойда ҳаёт бор, барқарорлик бор, эртанги кунга ишонч бор.



Қорақалпоғистонда бу ҳақиқат йиллар давомида оғир синовдан ўтди. Табиий шароитнинг мураккаблиги, экологик муаммолар, айниқса, сув ресурсларининг чеклангани бу ҳудудда яшовчи аҳоли учун ичимлик сувни нафақат эҳтиёж, балки ҳаётини масалага айлантирди. Шу маънода, бутун амалга оширилаётган ислохотлар оддий инфратузилма лойиҳалари бўлиб қолмай, инсон шаънини тиклаш, унинг муносиб ҳаёт кечирishi ҳуқуқини таъминлашга қаратилган тарихий жараёндир.

Талқин

Сўнгги йилларда халқроқ молия институтилари, давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар Қорақалпоғистонда сув таъминоти тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Хусусан, 2027-2028 йилларда 200 миллион долларлик сармоа ҳисобидан ижтимоий ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилгани бу йўналишдаги ислохотларнинг узоқ муддатли ва стратегик характерга эга эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, 2026-2030 йилларда 2 триллион 217 миллион сўм ҳисобидан 2719 километр ичимлик сув тармоғи тортиши ва 92 та сув иншоотини барпо этиш режаси аҳолининг кундалик ҳаётини тубдан ўзгаришига қаратилган улкан дастурдир. Чунки тортилган ҳар бир қувур, ишга туширилган ҳар бир иншоот одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг вақти ва имкониятини тежаш, энг муҳими, соғлом ҳаёт учун зарур шароит яратиш демакдир.

Бажарилган ишлар натижаси бугунқо сезилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳридаги сув тозалаш иншоотининг реконструкция қилиниши натижасида унинг қуввати суткасига 60 минг куб метрдан 95 минг куб метрга етказилди. Энг аҳамиятлиси, шаҳар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 81 фоздан қарийб 100 фозга етказилди. Бу ҳар бир хонадонга кириб келган қулайлик, ҳар бир оиланинг ҳаётидаги сезиларли ўзгаришидир.

Шу каби ижобий ўзгаришлар Нукус туманида ҳам кузатилаётган. Осие тараққиёт банки маблағи ҳисобидан 263 километр сув тармоғи тортилиши орқали 31 мингдан зиёд одамнинг тоза ичимлик сувга эҳтиёж таъминланди. Натижада туманининг сув билан таъминлиши кўрсаткичи 68,4 фоздан деярли 90 фозга етди.

Айна пайтда Амударё туманида қиймати 29 миллион долларлик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 354 километр сув тармоқлари тортиши ва 3 та сув тақсимлаш иншоотини реконструкция қилиш ишлари бажарилмоқда. Бугунга келиб, 295 километрни тармоқ тортиб бўлинган.

Шу билан бирга, Амударё, Беруний, Қораўзақ, Қўнғирот ва Мўйноқ туманларида Осие тараққиёт банкнинг 145 миллион долларлик маблағи ҳисобидан бажарилаётган ишлар бугун ҳудуд бўлиб сув таъминоти яхшилашга хизмат қилмоқда. Режалаштирилган ишлар эса жараён янада кенгайиб бораётганини кўрсатади. Турли туман ва маҳаллаларда юзлаб километр ичимлик сув ва канализация тармоқларини тортиш, янги иншоотлар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш орқали минглаб одамларнинг ҳаёт сифати янада яхшиланади. Бу каби сазй-ҳаракатлар қилмоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Қаллибек ХАЛМУРАТОВ,
“Қорақалпоқ сув таъминоти”
акциядорлик жамияти
директори

Айни пайтда тиббиёт соҳаси олдида қўйилаётган вазифалар тобора мураккаблашиб, талаблар юксалиб бораётган бир шароитда Қорақалпоғистонда шаклланаётган янги тажриба ва ёндашувлар келгуси тараққиёт учун мустақкам замин ҳозирламоқда.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МАЗМУНЛИ УМР КЕЧИРИШИГА ДАХЛДОР

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар, жумладан, аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, тиббиёт муассасаларини хавфсиз ва сифатли дори-дармонлар, тиббий буюмлар билан таъминлаш, соҳага рақамлаштиришни жорий этиш бўйича қўйилаётган чора-тадбирлар ижобий натижа бермоқда.



Мурод ҚУРБАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

усқуналари эса касалликларга эрта ташхис қўйиш имконини бермоқда. Тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, олис ва чекка ҳудудларга шифокорларни жалб этиш мақсадида бундай ҳудудлар рўйхати 297 тага кенгайтирилиб, Қорақалпоғистондан 38 та маҳалла ушбу рўйхатга киритилган. Виолетлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан ҳудуднинг Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзақ, Бўзатов,



кўриқлар, скрининг дастурлари ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, беморларни қўшимча текшириш, консултация ва даволашга йўналтириш ҳамда қайта боғланиш имкониятлари қамраб олган "Ягона тиббиёт тизими" жорий этилди. Нукус шаҳри тиббиёт бирлашмасида марказлашган лаборатория ташкил этилиб, шаҳардаги барча лабораториялар билан интеграция қилинди ҳамда DMED ахборот тизими негизда иш бошлади.

Онлайн ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида фаолият юритаётган тиббиёт муассасалари самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, туманларимиздаги туғуруқ комплекси ва перинатал марказларда фертил ёшдаги аёллар, оналар ва болалар учун зарур қулай шароит яратилди.

Шуманай, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик лавозим маошига дастлабки уч йил давомида 100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз миқдорда қўшимча ҳар ойлик устама давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда.



Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi янги 221 муассасада "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" ахборот тизимлари шакллантирилиб, беморларни оилавий шифокорларга бириктириш, онлайн қабулга ёзилиш, патронаж, профилактик

ҳозлар билан таъминланган тез тиббий ёрдам бўлими, кўп тармоқли марказий поликлиника, шунингдек, ҳудудларда қишлоқ оилавий поликлиникалари, чекка қишлоқларда эса маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилган. Аҳолининг саломатлиги шифокорларнинг доимий назоратида.

Кейинги йилларда халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда хусусий клиникаларнинг улуши сезиларли даражада ортган. Ҳозир Қорақалпоғистондаги 392 та хусусий тиббиёт муассасасида 346 та амбулатор ва 45 та стационар шароитда 57 турдаги мутахассислик бўйича аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётган.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасида хорижий клиникалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қатор халқаро меморандумлар имзоланди. Хусусан, Хитойнинг CSADI компанияси ёрдамида Нукус шаҳрида болалар тиббиёт кластери қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, айни ҳудудда оналар ва болалар учун БАА ёрдами билан шифохона қурилиши яқунланмоқда.

Япониянинг "Digital knowledge" компанияси томонидан ҳомиладор аёллар учун мўлжалланган рақамлаштирилган платформани билрамчи тиббиёт бўғини ходимлари амалиётга жорий этиш қўшма лойиҳаси билан бирга АҚШнинг ТПО ташкилоти ёрдамида ҳудудда "Орол фожиясининг минтақавий аҳоли саломатлигига салбий таъсирини ўрганиш" лойиҳаси доирасида сув намуналари олиш ва ўрганиш ишлари бажарилмоқда.

Бугун Қорақалпоғистонда тиббиёт соҳасида кузатилаётган ўзгаришлар муайян тармоқ доирасида янгиланишлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Уларнинг мазмун-моҳияти инсон қадрини улуғлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва ҳаёт сифатига дахлдор энг муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Айни пайтда тиббиёт соҳаси олдида қўйилаётган вазифалар тобора мураккаблашиб, талаблар юксалиб бораётган бир шароитда Қорақалпоғистонда шаклланаётган янги тажриба ва ёндашувлар келгуси тараққиёт учун мустақкам замин ҳозирламоқда. Энг муҳими, бу жараёнлар марказида инсон қадрини ва манфаатлари турибди. Фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлиши, ўз вақтида ташхис ва даволаниш имкониятлари кенгайтириш, маҳалла тиббий ёрдамнинг аҳолига янада яқинлаштириш эса ислохотларнинг ҳаётини аҳолининг аққол намоён этаётган.

Болалигимдан китоб ва адабиёт муҳитида улғайдим.
Вақт ўтиши билан сўзинг кучи, ахборотнинг таъсири, жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларни англаш ва улар ҳақида фикр билдиришга қизиқиш келажакдаги касбимни белгилаб берди. Бугун ортга назар ташлар эканман, Қорақалпоғистон ёшлари учун яратилаётган алоҳида имкониятлар менинг тақдиримда ҳам муҳим ўрин тутганини қучур хис қиламан.

Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили Қорақалпоғистонлик ёшлар учун қўшимча давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар ажратилаётгани минглаб ёшлар қатори мен учун ҳам янги имкониятлар эшигини очди.


Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг журналистика таълим йўналишига қабул қилинган илк кунларимдан оқимда улкан имкониятлар, янги билим ва тажрибалар олами очилди. Шу ерда олган билимларим, устозларим бераётган сабоқлар ва талабалик муҳитида орттираётган тажрибаларим келажакда соҳанинг муносиб вакиллари билан бири бўлишим йўлида катта аҳамият касб этмоқда.

Журналистика соҳаси назарий билимлар билан бирга доимий амалий тажрибани ҳам талаб қилади. Ахборот тўплаш, воқеаларни таҳлил қилиш, аудитори билан мулоқот ўрнатиш ёки медиамаҳсулот тайёрлаш каби кўникмаларни китоб орқали ўрганиш мумкин, уларни мукамал даражада шакллантириш учун эса амалий майдон

Талабалик йилларим фақат таълим ва ижод билан чекланиб қолгани йўқ. Турли маҳаллий ва халқаро лойиҳаларда иштирок этиш орқали жамоатчилик фаолиятида ҳам ўрнини топишга ҳаракат қилиман. Хусусан, TOP-100 UniCamp дастури, "Яшил келажак" экологик оромгоҳи ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг намунавий модели каби лойиҳаларда волонтер сифатида қатнашдим. 2025 йилда Ўзбекистон ёшлари томонидан амалга оширилган 2000 та кичик роботни қисқа муддатда йиғиш бўйича тарихий ташаббусда иштирок этиб, Гиннесснинг рекорд китобига кириш жараёнига ҳисса қўшганим ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бўлди. Шу билан бирга, "Ибрат дебат" республика танловида "Энг яхши мунозарачи" номинацияси соҳиб бўлганим фикрни асослаш, таҳлил қилиш ва омма олдига эркин сўзлаш кўникмаларимни янада мустақкамлашга хизмат қилди.

Бундан ташқари, Франция ва АҚШда ўтказилган халқаро илмий конференцияларда иштирок этдим. Уларда мабтот назарияси ҳамда Орол ден-

ИМКОНИЯТ – КАТТА ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК



Ёшлик шижоати

зарур. Университетимизда ташкил этилган турли тўғараклар, клублар ва ижодий платформалар ана шундай эҳтиёжга жавоб беради. Мен ҳам университетимиздаги "Еш журналистлар" клуби фаолиятида иштирок этиб келяпман. Клуб фаолияти давомида камерадан фойдаланиш, интервью олиш, репортаж тайёрлаш, матн ёзиш ва медиамаҳсулотлар устида ишлаш бўйича тажриба тўпладим.

Соҳага қизиқишим адабиёт ва ижодга меҳрим билан бевосита алоқадор. Бу қизиқишлар вақт ўтиши билан муайян натижаларда ҳам ўз аксини топди. Мақтабалик давримдаёқ "Тулдан нозик кўнгилларимиз" номли илк шеърый тўпламим нашр этилди. Кейинчалик "Ҳиллол" номли ижодий китобда ҳам шеър ва мақолаларим chop қилинди. Ижод мен учун ҳис-туйғуларни қоғозга тушириш воситаси бўлибгина қолмай, ҳаётни чуқурроқ англаш, инсон қалбидagi кечинмаларни ҳис қилиш ва воқеликка теран назар солиш имконини берди. Айнан шу жиҳатлар мени журналистикага янада яқинлаштирди. Чунки журналистика инсон тақдирини, жамият ҳаёти ва замон воқеаларини англашга интилиш билан боғлиқ.

Назарий билимларни амалиёт билан боғитиш мақсадида медиа соҳасидаги турли лойиҳаларда иштирок этишни одат қилганман. Хусусан, Қорақалпоғистон телевидениеси билан ҳамкорлик ҳақиқий ижодий муҳитини яқиндан ҳис қилишимга имкон берди. Турли медиаойиҳаларда иштирок этиш жараёнида таҳририят иши, эфирга тайёргарлик кўриш, ахборот йиғиш ва ушбу аудиторияга тақдим этишнинг муҳим жиҳатларини ўрганишга муваффақ бўлдим.

гизи экологик муаммосининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган илмий мақолаларим билан қатнашдим. Айниқса, Орол денгизи муаммоси мен учун алоҳида аҳамиятга эга мавзу. Чунки мазкур экологик фожиа Қорақалпоғистон ҳаёти билан бевосита боғлиқ. Бу муаммонинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари билан бирга ахборот мақолида қандай ёритилаётгани ҳам диққатга молик масала. Журналистика сифатида ана шундай долзарб мавзуларни ўрганиш, улар ҳақида илмий ва амалий хулосалар чиқариш орқали жамият учун фойдали шахс бўлишига интилам.

Ҳозир Словакияда ўқиниш давом эттириш мақсадида "National Scholarship Programme" дастури учун ҳужжатларимни тайёрлаётиман. Мазкур дастур бир семестрлик ўқув алмашув имкониятини тақдим этади. Ушбу имконият орқали янги билимларга эга бўлиш баробарида Европа медиа муҳити, академик аъёнлари ва журналистика соҳасидаги замонавий ёндашувларни ҳам яқиндан ўрганишни мақсад қилганман.

Тайёрлаётган илмий тадқиқотим орқали Қорақалпоғистон ва Словакия ҳудудий газеталарининг бугунги ҳолати, рақамли технологиялар таъсирида кечаётган ўзгаришлар, медиа инқироз билан боғлиқ муаммолар ҳамда замонавий журналистиканинг янги талабларини қиёсий таҳлил қилишни режалаштирганман.

Муниса ТОҶИБОЕВА, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси

Бугун ижтимоий ҳимоя нима экани, у билан боғлиқ ҳаракатлар аслида қандай бўлиши кераклиги реал ҳаётда намоён бўляпти. Аксарият ҳолларда рақамлар фақат ҳужжатларда акс этамай, энг чекка ҳудудлардаги оддий инсонлар қалбига ҳам умид олиб кира бошлади. Алоҳида эътиборга эҳтиёжмандлар ҳаётидан рози бўлиб, шукроналик ҳиссини туйётгани ҳам ҳақиқат. Бунинг учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, умуман, тизимдаги ходимлар астойдил ишлаяпти, тиним билмастгапти. Хусусан, Қорақалпоғистонда амалга оширилган ишлар ҳам ҳар қачонгидан натижадор, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.



Биргина 2025 йилда Қорақалпоғистонда кам таъминланган қарий 46 минг оила болалар нафақаси ва моддий ёрдам билан қамраб олинди. 41 мингдан зиёд фуқарога ижтимоий нафақа тайинланди. 130 мингдан ортқ оила алоҳида ўрганилиб, эҳтиёжманд оиналар билан индивидуал ишлаш тизими йўлга қўйилгани эса камбағалликни қисқартириш борасидаги манзилли ишлардан далоят. 28 мингдан зиёд оинанинг камбағалликдан чиқарилиши айтишгагина осон. Аслида, бу кўрсаткич ижтимоий хизматлар, бандлик, таълим ва тиббий ёрдам йўналишларидаги комплекс чора-тадбирлар самараси бўлди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам бутунлай янги ўзгана бўрилди. Қорақалпоғистонда таълим ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларнинг 82 фоиздан ортқ таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Кундузги парварош хизматлари кенгайтирилгани юзлаб болалар ушбу хизматлардан фойдаланишига йўл очди. Психологик-тиббий-педагогик комиссиялар орқали минглаб болаларнинг эҳтиёжлари реабилитация йўналишлари белгиланди. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва техник воситалар билан таъминлаш ҳам янги босқичга кўтарилди. Ваучер тизими жорий этилиши минглаб фуқароларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация техник воситаларини олиш имконини берди. Қарий 14 мингта протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация техник воситаси бўйича ваучерлар шаклланиши бунинг амалий ифодаси. Шунингдек, реабилитация марказларида хизматлар сифати оширилиб, муружатчиларнинг аксарияти зарур даволаш ва тикланиш хизматлари билан қамраб олинди.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ТАЪМИНЛАЙДИ

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида васийлик ва ҳомийлик тизими тақомиллаштирилгани оила муҳитида тарбияланаётган болалар учун қўшимча имкониятлар яратди. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 86 бола уй-жой билан таъминланди. "Ешларга ҳамроҳлик" дастури доирасида уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва мустақил ҳаётга тайёргарлиги учун манзилли ёрдамлар кўрсатилди. Бундай болаларни оилавий муҳитга яқин шароитларда тарбиялаш, уларнинг замонавий ва қулай яшаш учун Нукус шаҳрида кичик ҳажмли болалар уйи ташкил этилди.

Болаларнинг эҳтиёжларини эрта аниқлаш ва улар учун муносиб таълим ҳамда реабилитация йўналишларини белгилашда психологик-тиббий-педагогик комиссиялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳисобот даврида 3,4 мингдан ортқ бола комиссия кўригидан ўтказилиб, аксариятига тегишли таълим ёки реабилитация муассасаларига йўланмавлар берилди.

Айни пайтда ижтимоий хизматларнинг янги турлари жорий этилмоқда. Ижтимоий ходимларнинг муносиб рағбатлантирилаётгани, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилгани бундай хизматларнинг амалиётга тез ва тўлақонли таътиқ этилишини таъминляпти. Хусусан, "Фалс ҳаётга қадам" дастури доирасида ўзгалар парварошига муҳтож шахсларга хизмат кўрсатиш қўлами



Эзгу амаллар

кенгайди. Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги асосида юзлаб фуқаролар ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди, янги иш ўринлари яратилди ва қўллаб оилаларнинг бандлиги таъминланди. Қорақалпоғистондаги 452 маҳалланинг деярли барчасида ижтимоий ходимлар фаолият юритиб, аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишга қўмаклашмоқда. Йил бошидан буён огир ижтимоий аҳолга тушган ёки шундай хавф остида бўлган 7,6 мингдан ортқ оила бўйича кейслар очилиб, 5,2 минг фуқарога турли ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилди.

Аёлни улуғлаш, таътиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга ҳар қачонгидан кучли эътибор қаратилляпти. Бу то маънода инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрни бор эканини ҳис этиб яшаш учун қилинаётган эзгу ҳаракат ҳамдир. Ҳудудларда ташкил этилган билрамчи кўмак хоналари ва реабилитация марказлари орқали юзлаб жабрдийда аёллар ҳамда уларнинг фарзандлари психолог, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Зўравонликдан озор кўрган қайси бир аёл ёки бола билан гаплашманг, ўзининг давлат

ҳимоясида эканидан миннатдорлигини чин юракдан айтади. Чунки, энг аввало, соғлиқдан тортиб, касб-хунарга ўқитиш орқали мустақил ҳаётга қайтишига уларга давлат беминнат қўмак берапти. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва ижтимоий фаолликни оширишда адаптив спортнинг аҳамияти ортиб борапти. Параспортчиларга муносабат бутунлай ўзгаргани, Паралимпия ҳаракатининг Олимпия ҳаракати билан тенг кўрилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этапти. Шунинг учун спортчи ёшларимизда умид уйғониб, ишонч ортмоқда. Бугунги кунда 3,5 мингдан зиёд параспортчи спорт билан мунтазам шугулланыпти. Қорақалпоғистонлик спортчилар республика ва халқаро мусобақаларда 300 дан ортқ медални қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаятганида юқоридagi омиллар билрамчи ўрин тутаяди, албатта. Бундай эътибор ортидан спортчи ёшларимизнинг ютуқлари салмоғи янада ортиши аниқ.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистонда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар инсон манфаатларини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий адолат таъминлашга ҳаётга таътиқ этишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу рақамлар ортида минглаб инсонлар тақдирини, оруз-умидларини ва янги имкониятларини мужассамдир. Шу маънода, одамларнинг ҳаётдан розилигига сабабчи бўлишда жадал давом этишимиз зарур. Зеро, бундан эзгурок амал, хайрлироқ иш бўлмаसा керак.

Сайлаубай ДАНИЯРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи



ОРОЛТЎҚАЙ:

КЎҶНА ДЕНГИЗНИНГ

ЯШИЛ ОРОЛ!



“ИККИНЧИ ҲАЁТИ”

Эссе

— Орол денгизи сўнги ўн йиллик давомиди Мўйноқдан 140 километр узоқлашди ва энди шаҳар денгизсиз ҳаёт тарзига мослашди, — дейди Сайпжамал Шадинова. — Бу ерларда денгиз бўлганини фақат зангланган кемалар, Оролнинг эски хариталари ва сақланиб қолган лангар эслатади. Бир пайтлар бу ерда сув шалоплаб, қайиқ моторлари тарақлаб, балқичлар тўрт тортганига ишониб қийин.

1960-йилларгача Орол дунёдаги тўртинчи йирик кўл эди. Унинг майдони 69 миң квадрат километр бўлиб, Амударё ва Сирдарё суви ҳисобига тўйинарди. Денгиз балқичлик ва кемачилик билан шуғулланганидан ўн минглаб одам учун тирикчилик манбаи эди. Бироқ ХХ асрнинг ўрталарида, қишлоқ хўжалиги майдонларини сугориш учун дарёлардан катта ҳажмда сув олиш бошланганидан сўнг Орол сазлаша бошлади. 1989 йилга келиб, у шимолӣ ва жанубий қисмларга ажралди.

2014 йили Орол майдони дастлабки ҳажмига нисбатан 10 фоизгача қисқарди. Сув ҳавзаси ўрнида 6,2 миллион гектардан ортиқ

Бу каби лойиҳалар Оролбўйи ҳудудининг иқтисодий тикланишига тўртки бераётди. Энг муҳими, бу ерда яшовчи аҳолига янги иш ўринлари очилиб, бир вақтлар денгиз билан тирик бўлган юртдан одамлар кўчиб кетмай, аксинча, у ерда яшаш ва қолишга умид уйғотди.

Мўйноқдаги “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари кунлари тадбирда бир аёл шу жак атрофда сўнги балқич истикомат қилишини, бироқ ҳозир бир оз тоби йўқлигини айтди. Тадбир давомида унинг қизи “Орол балқичиси” бош муҳаррири Сайпжамал опа эканини билиб олдим. Оломон сийрақлашган, олдиға бордим. Унинг гапларини тингларканман, энг охири бўлиш кайфиятини тушунгим, эшитган қўлоққа эриш туялар, ўз танамда ҳис қилиб кўргим келарди. Бойси, вақт ва макон оралиғидаги муаллақ бир ҳолат — охири бўлиш ҳисси чекинган денгизнинг улғуворлигини тушунишга кўмаклашарди.

— Орол денгизи сўнги ўн йилликлар давомида Мўйноқдан 140 километр узоқлашди ва энди шаҳар денгизсиз ҳаёт тарзига мослашди, — дейди Сайпжамал Шадинова. — Бу ерларда денгиз бўлганини фақат зангланган кемалар, Оролнинг эски хариталари ва сақланиб қолган лангар эслатади. Бир пайтлар бу ерда сув шалоплаб, қайиқ моторлари тарақлаб, балқичлар тўрт тортганига ишониб қийин. Отам — Али Шадидовнинг айтишича, ҳаво балқич ҳиди билан тўлиб, кема сиреналарининг товуши шаҳар бўйлаб янграган экан. Қорақалпоқ ёзувчиси Асан Бегимовнинг “Балқичнинг қизи” романи Орол денгизи атрофида яшовчи балқичнинг қизи Ойқиз ва унинг севгили Дўстберген ҳақида ёзилган. Дўстберген Орол денгизиде пўртаналар билан олишиб балқич овлаганида:

Сазанинг шўрасин ичансиз болдек, Ак марқанинг ҳар бири кўйдек. Денгизда шақа сузди ойдек, Бекире кемаси белнига дармон. Еянини кўнелида қолмайдӣ армон, деб қўшиқ кўйлади. Бу қўшиқдаги оқ марқа, бекире каби балқич турлари ҳозир йўқ бўлиб кетган. Романдаги мана шу сатрларни ўқганимда, Оролнинг мен кўрмаган тўлқинларини соғинаман.

Отанинг айтишича, мўйноқлик аёлларнинг кўпи Орол балқичи қайта ишлаш заводида ишлаган. Катта завод бўлган. Бутун шаҳар шу корхона туялиги бунёд қилинган. Орол тўла бўлган йиллари балқич заводида салкам 3000 киши ишлаган экан. Денгиздан сув қочган, бу корхоналарнинг барчаси ёпилиб кетди...

Бугун ўша замон шиддатидан ортда қолгандек туюлган “орақ ҳудуд”га боқсангиз,

уммонга қиёсласак, унга келиб қуйилувчи дарёю ирмоқларидан бирида, гарчи кўзга яққол ташланвермасда-да, ҳарқалай халқимнинг ҳам номи борлиги одамни қувонтиради.

...Денгиз шундай нафас олади. Денгиз ва қирғоқнинг қизгин тўқнашувидан ҳамиша паға-паға ҳовур кўтарилиб туради. Кўш икки тарақ бўйи кўтариладганда бир қайиқ денгизга тушиди. Унда икки балқич билан болакай бор эди. Овчилардан бири ёш, нортул йигит яққа ўзи эшак эшиб боради. Қайиқ қуйруғида юзи кўнгири тус олган, қотма, кекирдаги туртиб чиққан, мангали ва айниқса, бўйинни тарам-тарам ажин бостан, қафлари ҳам йирик, сўядор панжа бўғилари ёнғоқдай шишиб чиққан кекса овчи қайиқни бошқариб боради. Қорайган юзюда оқиб қошлари кўзга аниқ ташланарди. Чолнинг ёшлиби, қизарган кўзлари олдатқандай қисилган — умр бўйи кўш нури тушиб кўзни қамаштирувчи сув юзюга қарайвериб ўрганиб қолган, у қайиқни гўё кўр-кўрона ҳайдаётганга ўхшарди. Қайиқнинг нариги тумшугида ўн тўрт ёшлардаги кўкўз бола қўнқайиб ўтириб олган: ора-сира катталарга шовиб қараб кўяр, жони ичига сиймай ўзини зўрга тутиб ўтирар, денгизга илк бор чиққатганини тийпирчилаб билдиришдан ўзини тийиб туради...

Тўртинчи кун қайиқ ортга қайти. Бола тўйда юргандай диққатини йиғолмас, бутун вужуди, фикру зикри содир бўлган ўзгача таассуротлар билан тўлиб-тошган эди. Сув сатҳини ҳар лаҳзада минг тусга — нимранг бинафшадан қора-кўкишгача, қора-кўкишдан то қайиқ кўланкасидаги тимқора тусгача товланган тўлқинларнинг тинимсиз жимирлаши болаган диққатини ўзига жалб этарди, тўсатдан қайиқ ёнида пайдо бўлиб қолган, ҳар нарсга қизиқувчан балқичларни кўриб, ичига сиймай севинарди. Оёқ остидаги нарсаларни — терига ўралган иккита найза, арқон ўрами, сувли бочка, озиқ-овқат солинган тўрва, яна қандайдир тугун ва кийим-кечакларни босиб, қайиқнинг қуйруғига ўтаркан, тийпирчилаётган улкан балқични қаричлаб кўрди...

Бола дераздан кўринаётган даракнинг осмонга туташиб кетган юқори қисмидаги барглари сарғай бошлаганини пайқайди. Шохда барглари қатор тизилган ва болага яқин бўлгани учун осмонни тилимлаб турган дастасиз ханжара, барглари эса осмон саҳнида улкан мовий кўлга бир-бирининг тумшугидан боғлаб, қатор териб қўйилган кичкина қайиқчаларга ўхшарди. Бола барглари қайиқчаларга ўхшашини кашф этганидан хурсанд бўлиб кетди. Уларнинг худди денгиз тўлқинида соллана турган қайиқлардек тебериб турганини ва осмоннинг жуда ҳам тобий, даракларнинг сукутда экани бир зум жуда ноёб гўзалликдай бўлиб туюлди.

Ҳозир боланинг қулугига нарироқдаги катта йўлдан машиналарнинг гувиллаганча ўтиб бораётгани ҳам, мол-қўйларнинг марраши ҳам, тенгқурларнинг шовқини ҳам кирмасди: у ҳозир мана шу ноёб гўзалликни бутун онгига, шурига сингирмоқчидек, қайиқсимон барглар шитиргагина бутун эътиборини жалб этган ва тинмай ўз-ўзига шивирларди: “ЯШИЛ ОРОЛ!”.



Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Чол оҳиста эшак эша бошлабди. Аввалга сустроқ, бир маромда, кейин эса навқирон бир гайрат билан. Шамол увиллашиб чиябўриларнинг чийиллаши ногаҳон сув шовқинига — мавжланаётган тўлқинлар сасига қоришиб кетибди. Шалоп-шулуп, шалоп-шулуп... Ой ёғусида чарх ураётган денгиз қўшлари — чағалай ва оқорлоқларнинг сувга тўш уриб учуши, қумуш қанотларнинг нимқоронгида ялт-юлт аксланиб кўзга чалинади. Чол бир замон эшак эшишдан тиниб, сув тегмаганига минг йиллар бўлган қайиқ ичидан узун алланимини олибди-ю, узокни чамалаб уни ҳавога — “денгиз”га улуктирибди.

“Танҳо қайиқ”да тасвирлар қандай эди: “Балқичи қафтларини қўлоқнаса қилиб паства энгашган — нимадир сасни эшитмоқчи... Сукунат, сукунат... Бир пайт қайиқ четюда кўндаланг ётган эгма ҳода қимирлаб кетиб, шалоп-шулуп товуш чиқаради. “Балқичи” шоша-пиша ҳодани “сув”дан кўтаради. Нақд тумшугидан илганган лаққа ой ёруғида биланглаб турибди!.. Орол бобо уни завк билан айлангириб томоша қиларкан, берганингта шукр, берганингта шукр, Танграм, дейди шодон”.

Худди шундай. Фақат чолнинг ўрнида ўзим эдим. Жуда узоқ сузибман, бир вақт орқага ўгирилиб қарасам, қирғоқ узун яшил қийқага ўхшар, унинг ортида оч зангори тепалар чўзилиб кетган эди. Сувга узоқ тиклидим. Зим-зиё денгиз қаёрида планктонларнинг қизгимтир жилвалари ҳамда қўш нурунинг ажиб товланишини кўрардим. Нурнинг сувдан аксланиб чиққатган товланиши ҳам худди қирғоқ тарафда осилиб турган булут авзойи каби яқин ҳаво бўлишидан дарак беради. Кейин алоқ-чалоқ тасвирлар билан уйғониб кетдим. Димоғимга денгиз ҳиди урилди...

Йўлтанламас япон уловларидан бирига чиқдик. Машина шу қадар агбор ва эски эдики, у Орол денгизининг асов тўлқинлари шаҳар этагини ювиб, бандаргоҳда балқичи кемалар қантарилган ҳолда турган замонларни кўрган бўлса, ажабмас. Йўл бўйи анча йил илгари келиб кетган журналистларнинг фикрларини очиб платформаларда ўқиб кетаман. Мана, масалан, бири бундай ёган: “Мен эски, шалоқ поездда Оролбўйи чўллари бўйлаб кетяман. Дарча ортидаги манзара соатлаб ўзгармайди: сариқ-бўз чалачўл, бетон симёғочлар, чанг бостан гиеҳларни ўйчан қавшаётган оғиркарвон туялар. Камина Қизилўрдадан отланиб, бир замонлар баҳайбатлиги учун денгиз номини олган кўл соҳилида бўлган Орол шаҳрига боряман...”. Тагин бошқаси ёган: “Оролнинг қуриган тувида йилга 90 кундан ортиқ давр мобайнида бўрон турган ҳамда 100 миллион тоналдан ортиқ чанг ва захарли тузми атмосферага кўтариб, минглаб километрга ёйиб юборади. Ҳатто унинг намуналари Антарктида соҳиллари, Гренландия музликлари, Норвегия ўрмонлари ва Ер сийёрасининг кўпгаб бошқа нуқталарида топилмоқда...”. Ўқийман-у, дарҳол ташқаридаги бугунги вазият билан солиштираман. Тўғри, ташқарида қотиб қолган

тўлқинларни эслатувчи қум барханлари узра миллионлаб майда чиганоқлар қирсиллайди, шамол ваҳимали ғувиллайди. Бир пайтлар турган жойимизда 60 метр баландликдаги сув бўлганини ўйлаб хўрсинамиз. Бироқ тўрт томонимизни ўраётган ҳадсиз яшил тўқайзорларни кўриб, ушбу заминга тириклик янги шаклда қайтаётганини англаймиз.

Орол денгизи йўқ бўлиб кетиши натижасида бугун миллионлаб гектар майдонда Оролқум шўр чўли ястаниб ётибди. Ушбу майдон заиф экологик тизим бўлиб, атроф-муҳитга ҳам, маҳаллий аҳолининг соғлиғига ҳам таҳдид солади. Орол денгизи қуриб кетишининг салбий оқибатларини юмшатиш, минтақа аҳолисининг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. 2021 йил 18 майда Президентимиз тақлифи билан БМТ Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияси қабул қилинди.

Кейинчалик, 2022 йил январда Ўзбекистон ҳукумати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича комплекс “йўл харитаси”ни қабул қилди. Шунингдек, 2018 йилда Орол денгизининг қуриб қолган қисмида ўрмонлар барпо этиш дастури бошланган бўлиб, бугун денгизнинг қуриган майдони миллионлаб тул саксовул билан қопланган. Шу билан бирга, кейинги барқарор чоратadbirlарга асос қўйиш учун экологик офат зонасининг ҳозирги ҳолати ва у ерда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида илмий маълумотларга асосланган тўлиқ тушуночга эга бўлиш мақсадида қуриган денгиз тубида мониторингнинг бошланди. Тупроқни баҳолаш ва таснифлаш ишлари бажарилади. Тупроқ харитаси тузилди. Туз ва чанг тарқалиши



мумкин бўлган ҳудудлар аниқланди. Тупроқ қопламаниннг ҳосил бўлиш шароити ва йўналиши белгиланди.

Орол денгизининг қуриб қолган ҳудудларида кўчма қум ва шўрхок ерларни мустақамлаш мақсадида истиқболли ўсимлик турларини экиш орқали экотизим ва ерларнинг рекултивациясини яхшилаш учун фитомелиорация ишларини бажаришга доир ёндашувлар ишлаб чиқилди.

— Чўлланиннинг олдини олишда саксовулзорларни кенгайтиришининг аҳамияти катта, — дейди Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Алишер Бекмуродов. — Оролбўйи ҳудудида барпо этилган 2 йиллик саксовулзорда шамол таъсирида қум кўчиши 20 фойз, 5 йилликда 80 фойз, 7 йиллик саксовулзорда эса тўлиқ тўхтайдӣ. Натийжада Оролбўйи минтақасида иқлим мўътадиллашади, аҳолининг яшаш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги таъминланади. Биргина саксовулнинг атроф-муҳит мусофоллигини таъминлашдаги хизмати жуда катта. Бир гектар майдондаги тўрт йиллик саксовулзор 1158 куб метр кислород ажратиб чиқаради.

майдонни эгаллаган Оролқум чўли пайдо бўлди.

Бу фалокат балқиччилик саноти ва портларнинг вайрон бўлишига олиб келди, минглаб одам тушиб қолди. Энг катта хавф эса қуриган тубдан хавога кўтарилаётган туз ва чанг бўрони бўлиб, улар захарли зарраларни юзлаб километрга тарқатиб, атроф-муҳит ва инсон саломатлиғига жиддий зарар етказди.

Минтақаниннг ривожланиши фақат кўкаламзорлаштириш билан чекланмайди. Туризм Оролбўйидаги истиқболли йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Орол денгизининг ноёб манзаралари ва бой тарихи нафақат Ўзбекистоннинг тури ҳудудларидан, балки хориждан ҳам сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Бундан ташқари, минтақада аънавий фаолият турлари ҳам ривожланмоқда. Жумладан, оқсил қўшимчалари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган артемия олиш, шунингдек, озиқ-овқат ва фармацевтика санотида кенг қўлландиган қизилмия тайёрлаш ишлари кенгайди.